

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ
АГЕНТЛИГИ БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

103 Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2434-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон «Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюрман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2013 йил 29 январдаги 2-сон буйруғи (рўйхат рақами 2434, 2013 йил 4 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 10-сон, 131-модда) билан тасдиқланган Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

В. ИСМАИЛОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 7 февраль,
57-сон

Ўзбекистон автомобиль ва
дарё транспорти агентлиги бошлиғининг
2017 йил 7 февралдаги 57-сон буйруғига
ИЛОВА

**Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари)
айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини
берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддимадан «(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 38-сон, 437-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
2. 6-банднинг биринчи хатбошисидан «(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 141-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
3. 14-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.
4. 17-банддаги «дарҳол» деган сўз «бир иш куни ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
5. IV боб номидаги «шахсларни» деган сўз «шахсларнинг рўйхатини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
6. 27-банддаги «молиявий йил» деган сўзлар «молия йили» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
7. 28-бандда:
биринчи хатбошидаги «молиявий йил» деган сўзлар «молия йили» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
иккинчи хатбошидаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳудудий органларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
учинчи хатбоши «маълумотларни» деган сўздан кейин «мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
8. 29-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«29. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари ва Мудофаа вазирлигининг ҳудудий органлари гувоҳномалар реестри олингандан сўнг ўттиз кун ичида ШЙТБОга гувоҳномалар реестридан чиқиб кетган шахслар тўғрисидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этади.».
9. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда 4-илова билан тўлдирилсин.
10. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Мо-

лия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва Мудофаа вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Б. ХОДЖАЕВ

2017 йил 7 февраль

Меҳнат вазири

А. АБДУХАКИМОВ

2017 йил 7 февраль

Мудофаа вазири

К. БЕРДИЕВ

2017 йил 7 февраль

Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

103-модда

«Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

— 122 —

Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг РЎЙХАТИ

Т/р	ШЙТБОнинг рўйхати бўйича бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган шахслар (ШЙТБО томонидан тақдим этилади)					Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан пенсия ёки нафақа олувчи сифатида рўйхатда туради	Мудофаа вазирлигининг ҳудудий органлари томонидан		Изоҳ
	ҳудуд номи	Ф.И.О.	манзили	туғилган йили	тоифа шакли		ҳарбий пенсия олувчи сифатида рўйхатда туради	Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналминалчи жангчилар сифатида рўйхатда туради	

7 (767)-сон